



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil

• 19-aprel

• Shanba

• 51 (27.856)

• www.uzbekistonovozi.uz

• 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот 8,1 фоизга, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 10,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми 4,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 5,0 фоизга, чакана товар айланмаси 12,7 фоизга, пулли хизматлар ҳажми 19,8 фоизга ўсди.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбаевнинг таклифига биноан 2008 йил 22-23 апрель кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Учрашувлар чоғида Ўзбекистон Рес-

публикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
BAZIRLAR MAHKAMASINING
MAJLISI TUG'RICIDA
AXBOROT

18 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида жорий йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ҳар томонлама муҳокама қилинди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан шу йил 8 февралда республика ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан қўйилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг 8,1 фоизга, саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг 10,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмининг 4,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмининг 5,0 фоизга, чакана товар айланмасининг 12,7 фоизга, пулли хизматлар ҳажмининг 19,8 фоизга ўсишини таъминлашнинг қайд этилди.

Ташқи савдо айланмаси барқарор юқори суръатларда, энг аввало экспортнинг 56,1 фоиз даражасида ўсиши ҳисобига ошмоқда. Давлат бюджетни про-фицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

2008 йилги Инвестиция дастурини, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш юзасидан қўйилган чора-тадбирлар инвести-

циялар ҳажмининг 41 фоизга, шу жумладан тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 56,8 фоизга ўсишига қўмаклашди. Жорий йилнинг биринчи чораги мажлисида белгилаб берилган 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан қўйилган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг 8,1 фоизга, саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг 10,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмининг 4,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмининг 5,0 фоизга, чакана товар айланмасининг 12,7 фоизга, пулли хизматлар ҳажмининг 19,8 фоизга ўсишини таъминлашнинг қайд этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан қўйилган чора-тадбирлар туфайли ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 фоизга ўсди. Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар ҳажми 269 миллиард сўмини ташкил этди. Ўтган йилнинг биринчи чора-тадбирлар натижасида 39,8 фоизга

кўпайди.

Мақсадли комплекс дастурларни амалга ошириш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар ҳисобот даврида қарийб 170 мингта янги иш ўринлари яратилди, шу жумладан хизматлар ва сервис соҳасида 67 мингтадан ортиқ, қасаначиликни ташкил этиш ҳисобига 55 мингта иш ўрни ташкил қилиш имконини берди.

Ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, улар учун янги иш ўринлари барпо этишга, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга, ёшларнинг таълими сифатини кўксалтиришга йўналтирилган «Ёшлар йили» Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш юзасидан фаол чора-тадбирлар қўрилди. Ушбу мақсадлар учун жорий йилда 1,5 триллион сўм ажратиш назарда тутилмоқда. Қуролли Кучлардаги хизматдан қайтган 3,2 минг нафар ёшлар ишга жойлаштирилди. Қишлоқ жойларда ёш оилаларга қарамол сотиб олиш учун 1,4 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Мажлисида 2008 йилги Инвестиция дастурини, шунингдек, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш дастурларини амалга оширишнинг бориши ҳар томонлама муҳокама қилинди. Қишлоқ ва сув хўжалиги, нефть-газ, конметаллургия тармоқларида,

(Давоми 2-бетда)



Муносабат

ХАЛҚИМИЗГА ХИЗМАТ
ҚИЛИШИМИЗ КЕРАК

Ўртоқимиз Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқи аввалида гарчи табарруқ замин шухрати, одамларнинг салоҳияти, амалга оширилган муайян ишлар ҳақида тўхталган бўлса, йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлили, билдирилган ҳулосалар залда ўтирганларни оғир ўйга солиб қўйди.

Хусусан, ўтган йили мамлакат бўйича ўзлаштирилган тўғридан тўғри ҳорижий инвестицияларнинг атиги 1,5 фоизи вилоят ҳиссасига тўғри келади ҳолос. Иккита туманда 2005 йилдан буён бирорта ҳам корхона ташкил қилинмаган. Бир пайлар республикага танилган «Каттақўрғон ёғ-мой», «8-март», «Нафис», «ЎзБАТ» корхоналари оғир аҳолга тушиб қолган. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин.

Ачинарилиш шундаки,

муаммолар ечимини топишда, бу ишларга жамоатчиликни жалб этишда вилоят ҳокимлиги етарлича ташкилотчилик ва ташаббускорлик кўрсатмаган.

Мамлакат раҳбари вилоятдаги аҳвол ҳақида гапирар экан, депутат ва фаолларнинг бефарқлиги, кузатувчилик позициясига ўтиб олганини ҳам очик айтди.

— Президентимизнинг нутқини эшитиб, кўзим очилгандек бўлди, дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, ЎзХДП аъзоси Дўстмурод Абдуллаев. — Сессияда у киши ҳар битта одамни тинглашга ҳаракат қилди. Самимий маслаҳатлар берди. Сўзга чиққанларнинг барчаси юракдан гапирди.

Партиядошимиз ҳақ гапни айтди. Мисол учун Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Матлуба Турдиева ўз қўлида мустақиллик бошида Самарқанд вилоятида ўртача умр кўриш 59-60 ёш атрофида бўлса, бугунги кунда бу рақам 70 ёшдан ошиб кетганини, ҳарбий хизмат

га қақирлувчи йигитларнинг жисмоний тайёргарлиги, саломатлиги кўнгилдагидек бўлаётгани, аҳолини тиббий қўриқдан ўтказиш имконияти кенгайганини айтганида Ўртоқимиз бу масалага ўз муносабатини билдирди:

— Аслида Президент сифатида менинг олий мақсадим ҳам шу: одамлар узоқ, мазмунли, фаровон, эркин умр кўрсин. Барча ислохотлар самараси ана шу мақсадга йўналтирилган. Агар биз одамлар кайфияти билан боғлиқ муаммолар ечимига янада жиддий ёндашсак, соғлом турмуш тарзини шакллантира оلسак, халқимиз ҳаёти бундан-да яхши бўлади.

— Маъруза ва мулоқот менда катта таассурот қолдирди, деди ЎзХДПдан вилоят Кенгаши депутати Хадича Жаъфарова. — Нега шундай таҳлилларни, очик гапларни ўзимиз қилмаганимиз, нега томошабин бўлиб, лоқайд қараб келганимиз. Ахир бизда депутатлик бурчи, ваколати бор эди-ку,

деб ўйланиб қолдим. Ўртоқимизнинг гапларидан тегишли ҳулоса чиқариб олишимиз зарур.

Партиядошларимиз сессиядан сўнгги мулоқотларда нутқдан олинган сабақлар, камчиликларни тузатиш йўлидаги вазифалар тўғрисида очикчасига кўниб, тўққинлиб мулоҳаза юритишди.

Вилоят ҳокимини танлаш осон эмас, албатта. Уни тайинлашда Президентнинг ташриф буюриши, бу масала юзасидан сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари аъзолари билан фикрлашиши, сессияда муҳокама этилишининг ўзиёқ бунга исботлаб турибди. Бинобарин, Ўртоқимиз сессияда бу борада партиялар зиммасидаги масъулият ҳақида ҳам тўхталиб ўтди.

— Партиялар нафақат давлатни бошқаришга бевосита жалб этилдилар, уларда мамлакат тақдирини ўқиб олиш ҳам пайдо бўлди, деди у киши. — Масалан, янги қонунга мувофиқ агар у ёки бу партия депутатлар гуруҳи

ҳоким фаолиятдан норозилигини расман билдирса, шахсан ўзим бу масалани кенгашга қўйиб, унинг муҳокамасида иштирок этаман. Аммо бунинг учун партияларда ҳам, депутатларда ҳам сиёсий фаоллик, жонқуярлик бўлиши зарур.

— Қадрли ҳамкасблар, деди депутатлардан бири. — Қачон биз жамоатчилик назорати деган тушунчани шуғримизга синдира-миз? Доимий комиссиялар, партиялар депутатлик гуруҳлари қачон ўз сўзларини айтишади?

Сессияда сўзга чиққан Жомбой туманидаги «Фармасам КолЛД» корхонаси раҳбари Камолитдин Маҳмудов тиббий препаратлар тайёрлаш бўйича ютуқларини, яхшигина инвестиция киритаётганини айтганида Ўртоқимиз «Фидойи инсон экансиз. Сизга мен нима ёрдам берай?» деб сўради.

— Биз, тадбиркорларга шунча имконият, имтиёз бериб қўйибсиз. Яна нима талаб қилишимиз мумкин? Менга ҳеч нарсаси керак эмас. Аксинча, энди биз халқимизга кўпроқ хизмат қилишимиз керак, деди Камолитдин Маҳмудов.

Назаримда бу гап сессияда ўтирган ҳар бир иштирокчининг жавоби эди.

Фармон ТОШЕВ,
вилоят Кенгашидаги
ЎзХДП депутатлар гуруҳи
раҳбари.

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ
ВА ЖУРНАЛИСТ
МАСЪУЛИЯТИ

Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлисидаги маърузасида Ўзбекистонда демократик янгиликлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликлари таъминлашнинг гоят муҳим шартларидан бири оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андазаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга ошириш эканлигини таъкидлаган эди.

Ушбу вазифанинг қай даражада адо этилаётганини мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг бугунги фаолиятида кўриш мумкин. Соҳада рақобат муҳити қарор топгани журналистларни изланишга ундаётди. Бу муҳим қадамдир. Бугунги кунда юртимизда мингдан ортиқ газета, юзлаб журнал, телеканал ва радиостанциялар фаолият юритмоқда. Уларда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга қаратилган материалларни эълон қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишлаб ўтказилган семинарда шулар алоҳида таъкидланди.

Унда адлия вазирининг биринчи ўринбосари А.Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси қонунчилик тарғиботи бўлими бошлиғи С.Ортиқова ва бошқалар ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш ва фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ишига оммавий ахборот воситалари фаол ҳисса қўшаётганини қайд этди. Айни пайтда демократик жараёнларнинг чуқурлашуви оммавий ахборот воситалари ходимларидан юксак маҳорат, фаоллик ва ватанпарварлик талаб этди.

Тадбирда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар ҳақида фикр алмашилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА мухбири

ОМБУДСМАНЛАР ҲАМКОРЛИГИ
МУСТАҲКАМЛАШМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман фаолияти: Испания ва Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан ташкил этилган маъруза анжуманида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, халқаро ташкилотлар, дипломатик кор-пус вакиллари, олим ва мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С.Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари А.Рустамов, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Б.Мирбобоев ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини

ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидладилар. Ўзбекистонда Омбудсман фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилиши учун барча қонуний асослар яратилган. Бу йўналишда тобора мустаҳкамланиб бораётган халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Омбудсман институти фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида қўллаб самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш устидан парламент назоратини олиб боришда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили нафақат бузилган ҳуқуқларнинг тикланишига, балки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга ҳам қўмаклашмоқда. Унинг халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш

соҳасидаги фаолияти ҳам эътиборга сазовордир. Ўзбекистон Омбудсмени томонидан қирқдан зиёд мамлакат, жумладан, Россия, Польша, Швеция, Австрия, Латвия, Озарбойжон, Словакия, Франция ва Испаниядаги турдош муассасалар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Анжуманда ҳорижий мамлакатларнинг парламент ва омбудсманлари, жумладан, Испания Халқ ҳимоячиси билан ҳамкорлик юртимиздаги демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёنларидан жаҳон жамоатчилигини хабардор қилишга, чет мамлакатлар омбудсманлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича институтлари билан алоқаларни янада ривожлантиришга катта ҳисса қўлиши қайд этилди. 2007 йилда Ўзбекистон ва Испания омбудсманлари ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Испания Халқ ҳимоячиси Энрике Мугика Герцог Ўзбекистонда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя

қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга юксак баҳо берди.

— Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётганига гувоҳ бўлдик, — деди Энрике Мугика Герцог. — Ўлим жазосининг бекор қилиниши бунга ёрқин мисолдир. Испания Ўзбекистонда барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларни кенг қўллаб-қувватлайди. Келгусида мамлакатимиз билан барча соҳалар қатори парламентларо ва омбудсманларо ҳамкорлиги ҳам янада мустаҳкамлаш ниятида.

Конференцияда Ўзбекистонда Омбудсман фаолияти, унинг ички ишлар идоралари, прокуратура ва суд-ҳуқуқ органлари билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлиги-га оид маърузалар тингланди.

Шу кунги Испания делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари билан ҳам учрашди.

НОДИРА МАНЗУРОВА,
ЎЗА мухбири

ЭЪТИБОР
ВА
САМАРА

Суратда:
Қарши ахборот
технологиялари
коллежи
ўқитувчиси
Шоди Хўжамов
талабалар
билан.
Шомурод
ШАРОПОВ
(ЎЗА) олган
сурат.

3-бет

ЎзХДП ҳаёти

СИЁСИЙ ПАРТИЯ
НУФУЗИмафкуравий ишлар
самарасида бевосита боғлиқ

Ўзбекистон ХДП Қаншақадарё вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда кенгаш раиси Рашид Муртазаев ислохотларнинг ҳозирги босқичида мамлакатни демократик модернизациялашнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг партия устав фаолияти самарадорлигини ошириш борасидаги устувор вазифалари тўғрисида маъруза қилди.

Айни пайтда вилоятда 1103 та бошланғич партия ташкилоти 29 мингдан ошiq аъзони бирлаштирган. Бундан ташқари, партиядан вилоят Кенгашига 27 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларига 200 дан ортиқ депутат сайланган. Жойлардаги 15 та Жамоатчилик қабулхонасига ўтган йил давомида 723 та мурожаат тушган бўлса, уларнинг 86 фоизи депутатлар ва партия фаоллари аралашуви билан ҳал қилинган.

2-бет



СИЁСИЙ ПАРТИЯ НУФУЗИ

мафкуравий ишлар самарасига бевосита боғлиқ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пленумда вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Ж.Қурбоновнинг ҳисоботи тингланди. Яққабог туманидаги 2-шифохона бош врач, вилоят Кенгаши депутати О.Бобоқулова ўз фаолияти ва партия вилоят кенгаши олдига турган долзарб вазифалар ҳақида гапирди. Қасби туман кенгаши раиси, туман Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи раҳбари А.Холов, Қарши давлат университети талабаси, Навоий номидаги давлат stipendияти Ш.Холов ва бошқалар ҳам партия нуфузини кўтариш, «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш ҳамда бошқа масалалар юзасидан фикр билдирдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева қатнашди.

♦♦♦

Шу кун Қарши шаҳридаги «Ўзгеобурнефтегаз» АК мажлислар залида «Мамлакатимиздаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий шароитда Ўзбекистон Халқ демократик партияси мафкурасининг

асосий тамойиллари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари раислари ҳамда уларнинг мафкуравий масалалар бўйича ўринбосарлари, «Истиқбол» ёшлар ва «Фаол аёллар» қанотлари етакчилари, бошланғич партия ташкилотлари раҳбарлари қатнашдилар.

Дастлаб, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаевнинг маърузаси тингланди. Унда алоҳида қайд этилганидек, мафкуравий иш — сиёсий партия фаолиятининг устувор йўналиши ҳисобланади. Сиёсий партия мафкураси бўлиши мумкин эмас. Бугун ижтимоий сиёсий ҳаётда жиддий ўзгаришлар юз бераётти. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Конституциявий қонун кучга кирганидан сўнг, сиёсий партияларнинг масъулияти янада ошди. Олиб бораётган ишларимиз ҳаёт талаби асосида ташкил этилма-са, ҳар қандай ғоя ҳам қорғозда қолиб кетади. Хўш, бу борада-

ги ишларимиз талаблар даражасидами? Аввало, партия кенгашлари ҳузуридаги тарғиботчилар гуруҳи таркибини яна бир бор қўриб чиқиш, салоҳиятли кишилар билан тўлдириш, фаолиятини самарали ташкил этиш лозим. Партияимизнинг яна бир муҳим мафкуравий тузилмаси — матбуот нашрларимиз саналади. Ҳозир 2 та марказий, 4 та минтақавий газеталаримиз бор. Нашрларга обуна қашқадар ва бошқа айрим вилоят кенгашлари томонидан яхши ташкил этилди. Бироқ, фақат обуна бўлиш эмас, балки партия ташкилотлари етакчилари матбуот саҳифаларида партия ҳаёти, мафкура масалалари, айрим муаммолар юзасидан чиқишлар қилиб турсалар, мақсадга мувофиқ бўларди.

Гулчехра Шукурова, ЎзХДП вилоят кенгаши масъул ходими:

— Мен Ўзбекистон ХДП Дастурининг ёшлар ва хотин-қизларга доир қондаларини ривожлантириш масалалари ҳақида гапирмоқчиман. Масала жиддий. Чунки истиқлол туфайли аёлларимиз давлат ва жамият ишларида фаол қатнашмоқда-

лар. Юртимизда ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш юзасидан қўллаб-қувватлаш ҳужжатлар қабул қилинган. Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг 18 фоизини аёллар ташкил этади. Вилоят Кенгаши депутатларидан атиги 2 нафари хотин-қиз. Олдимизда турган вазифа, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириб, электротар ишончини қозониш, келгуси сайловларда кўпроқ фаол аёлларимизнинг депутатликка сайланишига эришишдан иборат. Шунингдек, ёшлар орасидан партия кадрлари захирасини шакллантириб бориш ҳам муҳим вазифамиздир.

Замира АЗИЗОВА, ЎзХДП Қарши туман кенгаши раиси:

— Ҳозир туман кенгаши қошида 20 нафар тарғиботчимиз бор. Ўқитувчилар, хотин-қизлар, ёшлар, маҳалла фаолларидан танланган тарғиботчиларимизнинг барчаси партияимиз аъзолари. Айниқса, маҳаллаларда тарғибот ишларини кучайтираётимиз. Чунки одамлар ўз муаммолари, дардларини шу жойга келиб айтишларида фаол қатнашмоқда-

Муродулло НОРМУРДОВ, Қарши муҳандислик-иктисодий институти ректори, Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Бугунги кунда партиянинг нуфузини кўтариш — мафкуравий ишларнинг қай даражада эканига бевосита боғлиқ. Масалан, мен шу партияга 1997 йилда аъзо бўлганман. Бугун унинг сафида олимлар, ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган инсонлар кўп. Вилоят Кенгаши депутати сифатида айтишим мумкинки, ҳали депутатлик гуруҳимиз фаолиятини кўнгилдагидек йўлга қўя олганимиз йўқ. Хар бир депутатимиз масъулиятини оширишимиз, муҳим ижтимоий-иктисодий масалаларда аниқ ташаббуслар билан чиқишимиз лозим.

Давра суҳбати жонли, савол-жавоблар асосида ўтди. Суҳбатда шунингдек, Қарши мажлиси партияимиз аъзолари, партияимиз аъзоси Рустам Очилов ва бошқалар ҳам фаол қатнашдилар.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда)

қурилиш материаллари саноатида айрим инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тасдиқлашни ва уларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб этишни тезлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш яқунлари бўйича давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари олдида ишлаб чиқаришнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сўзсиз таъминлашга, 2008 йилги Инвестиция дастурига ҳамда модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш тармоқ дастурига қиритилган объектларни ўз вақтида ишга туширишга, ушбу мақсадлар учун инвестицияларни, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган зарур чора-тадбирлар қўриш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Исрол Каримовнинг жорий йил 15 апрелда Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончи таъминлаш масалалари республика ҳукумати мажлиси қатнашчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашнинг ҳолати вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Республика ҳукумати томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар аҳолининг ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг ҳолати вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Республика ҳукумати томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар аҳолининг ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг ҳолати вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Республика ҳукумати томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар аҳолининг ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг ҳолати вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Республика ҳукумати томонидан қўрилаётган чора-тадбирлар аҳолининг ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг ҳолати вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни таъминлаштириш ва самардорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Йиғилиш давомида радиочастоталарни тақсимлаш ва телерадиозастириш соҳасида хусусий лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказилди. Тошкент, Самарқанд, Хоразм, Сурхондарё, Андижон, Бухоро вилоятларида теле ва радиочастоталар учун танловга тақдим этилган аризалар қўриб чиқилди.

Комиссия қарорига кўра, «Nodaviat Telekompaniyalar Teletarmogʻi» масъулияти чекланган жамияти (Тошкент шаҳри), «SAMARQAND-STV» телевизион икхдий уюшмаси (Самарқанд шаҳри), «S-IQBO» хусусий корхонаси (Урганч шаҳри), «ИШОНЧ» телерадиокорпорацияси (Термиз шаҳри), «Водий Садоси Ёшлар телерадиокорпорацияси» масъулияти чекланган жамияти (Андижон шаҳри), «TERRA GROUP» масъулияти чекланган жамияти (Тошкент шаҳри) қўлиб деб топилди.

Шунингдек, телерадиодастуриларни тарқатиш билан шуғулланадиган қатор ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳудудий фаолият кўламини кенгайтириш, уларнинг маълумотлар узатиш соҳасида хизмат қўриштириш учун лицензия олиш бўйича берган аризалари ҳам қўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳўкимликлари, вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик бирлашмаларига Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2008 йилда қасаначилик иш ўринларини ташкил этиш параметрларини қайта қўриб чиқиш топширилди. Қорхоналарнинг қасаначилар билан кооперациясини ривожлантириш ва қасаначилик меҳнати турларини кенгайтириш бўйича салоҳияти ва имкониятларининг тўлиқ ишга солиниши таъминлаш, ҳўжалик юритувчи субъектларни қасаначилик кенгайтирганлик учун раббатлантириш ва масъулиятини ошириш бўйича таъсирчан меҳанизмни жорий қилиш, шунингдек қорхоналар томонидан қасаначилар билан тўзилладиган меҳнат шартномалари талабларига, шу жумладан уларни буюртмалар, хомашё, асбоб-ускуналар билан ўз вақтида ва тўлиқ ҳақда таъминлаш, иш ҳақини тўлашга доир талабларига сўзсиз риоя қилиниши зарурлиги қайд этилди.

Мажлисида бошқоқ экинларнинг 2008 йилги дон ҳосилини ўриб-йиғиб олиш мавсумига галла ўриш-йиғиш техникасини тайёрлашни тугаллаш, суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш ишларини ташкил этиш ва жадаллаштириш, шу жумладан мелiorация объектларини қўриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни жадаллаштириш бўйича ишларни бажарилиши муҳокама қилинди.

«Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компаниясига Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти билан биргаликда Суғориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида назарда тутилган импорт мелiorация техникаси, машиналари ва бошқа меҳанизация воситаларини ўз вақтида харид қилиш, улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирларини қўриш топширилди.

Республика ҳукумати мажлисида кўн тартибидеги масалаларни муҳокама қилиш яқунлари бўйича қарор қабул қилинди. Қарорда 2008 йилда мамлакатини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини сўзсиз амалга оширилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎЗА)

«Истиқбол» — ЎзХДП ёшлар қаноти

ЁШЛАРНИНГ КўМАКЧИСИ ВА МАСЛАҚДОШИ

ЎзХДП Хоразм вилоят кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти конференциясида Ёшлар йилида партия ёш фаолларининг устувор вазифалари муҳокама этилди. Ёшлар вакиллари қанотнинг ўтган даврдаги фаолиятини таҳлил қилиб, жойларда амалга оширилган ишлар, ўтказилган ижтимоий-сиёсий тадбирларни эътироф этдилар. Вилоят партия кенгашида «Истиқбол» ташаббуси билан «Ёш сиёсат-шунослар» клуби ташкил этилиб, қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ режа ва дастурларимизга эга бўлишимиз муҳим деб ўйлайман.

да фикрлар билдирди. — «Истиқбол» ёшлар қаноти орқали ёшларнинг қувонч ва ташвишларига ҳамдард, ҳамкор бўла олсак, олдимиздаги мақсадга эришган бўламиз, — деди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари З.Абдуллаева. — Ёшлар мисоли кўз очиб келаётган булоқ. Булоқни тўри йўналтирса, жилтага айланади, жилгалар ирмоққа... Шундай экан, ёшларни жамият ҳаётига фаол кириштириш учун зарур бўлган моддий, маънавий кўмак, янги иходиий ҳамда амалий интилишларини қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ режа ва дастурларимизга эга бўлишимиз муҳим деб ўйлайман.

керак, деб ўйлайман. Айрим ҳолларда бадий китоб ўрнини компьютер, интернет эгаллагандек кўринади. Лекин китобнинг ўрни бошқача. Маънавиятли, маърифатли инсонлар сифатида камол топишимизга хизмат қилувчи китобдек восита йўқ. Баркамол, шижоатли ёшлар билим даргоҳларини тамомлаб, ҳар бир жабҳада ўз истеъдодларини намойён этишига кўмаклашиш ҳам асосий вазифаларимиздан бўлиб қолади.

Чироқчи туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти конференциясида қанот фаолиятидаги устувор вазифалар, ёшларда соғлом мафкура ва фаол фуқаролик позициясини шакллантириш, ҳуқуқий онгини мустаҳкамлаш, бугунги ўмда мураккаб ва таҳликали замонда ҳар қандай хатарларга қарши курашиш кўникмаларини ҳосил қилиш учун қандай вазифаларни бажариш керак, деган саволлар атрофича муҳокама этилди.

Чилонзор туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти конференциясида қанотнинг асосий вазифаси партия аъзоси бўлган ва унинг ғояларига хайрихоҳ 18 дан 30 ёшгача бўлган йигит-қизларни бирлаштириш экани таъкидланди. Бирлашиб, мустаҳкам жиқлашиб ҳаракат қилган ёшларгина кўзланган умумий мақсадларга ета олади. Бундан ташқари, бугун мамлакатимизда долзарб бўлиб турган кадрлар тайёрлаш, етакчилиқа қобилиятли ёшларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш масаласида ҳам «Истиқбол»нинг алоҳида ўрни бўлиши шарт. Ёш фаоллар қанотнинг ана шу вазифаларини муҳокама этиб, 2008 йил режаларини белгилаб олдилар.

Шунингдек, бошқа вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари «Истиқбол» ёшлар қаноти конференцияларида ҳам шу каби муҳим масалалар муҳокама этилмоқда. Ёшлар йили тадбирларида қанотнинг иштироки юзасидан аниқ вазифалар белгилаб олинаётти.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати
Абдусови ҲАЙДАРОВ
олган сурат

ЎзХДП — Хотин-қизларнинг мустаҳкам таянчи

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Самарқанд вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти ташаббуси билан «Жамиятни демократлаштириш жараёнида ҳамда давлат бошқарувида хотин-қизларнинг роли ва мавқеи» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ФАОЛ АЁЛЛАР ДАВРАСИДА

ҳар бир масала очик айтилди,
мавжуд муаммоларга биргаликда
ечим топишга келишиб олинди

Ўзбекистон ХДП



ЎзХДП вилоят кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Д.Имомова партиянинг дастурий ғоялари, асосий мақсад ва вазифалари, «Фаол аёллар» қаноти аъзоларининг олиб бораётган ишлари ҳақида ахборот берди. Шундан сўнг қизқин баҳс-мунозараларга бой бўлган давра суҳбати иштирокчиларнинг саволларига партия фаоллари, маҳалли Кенгашларга сайланган депутат аёллар ва Самарқанд шаҳар ҳўкимиянинг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Х.Раҳматова атрофича жавоб қайтардилар.

Аёлларни иш билан таъминлаш масаласи, ёш оилаларга берилган имтиёزلардан фойдаланиш, сиёсий етакчи хотин-қизларни тайёрлаш борасида муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жамиятни демократлаштиришда нафақат илгор аёллар, балки уйда бола тарбияси, рўзгор юмушлари билан банд бўлган аёллар ҳам фаол иштирок этишлари зарурлиги таъкидланди.

— Ҳақиқат баҳсларда тўғилди, — дейди Самарқанд шаҳар «Богсарой» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний, маърифий масалалар бўйича маслаҳатчиси, ЎзХДП аъзоси З.Хасанова. — Эътибор бериб қарадим, давра суҳбати ҳар гапидан кўра, баҳсларга бой бўлди. Жамият ҳаётида аёлларнинг фаолиятини ошириш борасида қилинган ишларга аниқ мисоллар асосида тўхталиб ўтилгани, тадбирда партияимизга хайрихоҳларнинг фаол қатнашгани янада эътиборга молик.

Давра суҳбатиде партиядан сайланган ҳар бир депутат хотин-қиз ўз фаолияти ҳақида атрофича ахборот берди. Партия ишида фаолият кўрсатган бир гуруҳ хотин-қизлар вилоят партия кенгашининг Фаҳрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Шухрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.
Хусан ТўҒИЗОВ олган сурат.

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

Хонқа туман кенгаши Бутунжаҳон саломатлик кўни муносабати билан «Саломатлигимизни экологик ўзгаришлардан саклаймиз» деб номланган давра суҳбати ўтказди.

— Тозалик ва озодлик инсон ҳаётининг ажралмас қисми бўлиши керак, — деди туман партия кенгаши раиси Аҳмаджон Воисов. — Бу саломатлигимизни гаровидир. Шу маънода ёшлар тарбиясида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг жисмоний бақувват, маънан бой бўлиб вояга етишлари учун яратиб берилаётган имкониятлардан тўла фойдаланишларини доимо тарғиб ва ташвиқ қилиш муҳим вазифаларимиз бўлиши керак.

Бу каби тадбирлар вилоятнинг бошқа туман ва шаҳар партия кенгашлари томонидан ҳам ташкил этилди. Уларда воҳанинг экологик ҳолати, уни яхшилашда партия ҳудудий ташкилотлари, фаолларнинг аҳоли ўртасида экологик маданиятни шакллантиришдаги иштироки борасида сўз юритилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати



ларининг ёшлар қаноти фаолиятини йўлга қўйишдаги камчиликлари қайд этилди. Анжуманда сўзга чиққанлар қанот фаолиятини таъминлаштириш, ёшлар ишончини оқлаш, партия кенгашлари ва депутатлик гуруҳлари билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, фаолиятини ошириш юзасидан фикрлашдилар.

Фарғона шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти конференциясида йигит-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиши, уларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ҳамда ёш авлоднинг иқтисодий-ижтимоий, ҳуқуқий қўллаб-қувватлашда қанотнинг вазифалари бораси-

Иродахон ИСОҚОВА, Ўзбекистон ХДП шаҳар кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси:
— «Истиқбол» ёшларни ташаббусга, янги ғояларга ундовчи куч ва ёшларга дўст сифатида ўзини кўрсатиши керак. Биз мамлакатимиз барча ёшларининг эмас, кўпроқ ижтимоий ҳаётга муҳтож ёш фуқаролар, ёш оилаларнинг кўмакчиси бўлсак, амалий ишларимизни яқоқ кўрсатишимиз мумкин.
Нартизахон ОХУНОВА, вилоят партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори:
— Тенгдошларимизни китоб ўқишга кўпроқ йўналтириш, китобга меҳрини кучайтириш

Баркамол авлод орзуси

ЭЪТИБОР ВА САМАРА



XXI аср — нанотехнологиялар ва компьютер асри деб аталмоқда. Демак, бундан шундай хулоса чиқариш мумкин, мамлакатимизда компьютер технологияларини мукаммал биладиган кадрларга бўлган эътибор кўпайиши керак. Шунинг учун ҳам бугун компьютер мутахассисларини тайёрлаб берувчи ўқув масканлари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон ва Германия ҳамкорлигидаги «Ахборот коммуникацион технологиялари соҳасида касблар таълимини ривожлантиришга кўмак» лойиҳаси доирасида жиҳозланиб, кичик мутахассислар тайёрлашга ихтисослашган Қарши ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ҳам ана шундай илм масканларидан бири ҳисобланади. Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тўйи арафасида ўз фаолиятини бошлаган коллежда айни пайтда 833 нафар талаба «Компьютер графикаси», «ЭХМ ва компьютер тармоқларини ишлатиш», «Компьютерларни дастурий таъминлаш ва тармоқларидан фойдаланиш», «Техник электрон буюм ва ускуналарни назоратчиси», «Информацион ва коммуникацион технологиялар мутахассиси» каби йўналишлар бўйича таълим олишмоқда. Уларга

касб-хунар сирларини олти миш нафардан зиёд малакали ўқитувчи-мураббий ўргатишмоқда. Мазкур ўқув масканида 14 та фан ва 2 та лингафон хоналари, 2 та физика, 2 та кимё ва биология лабораториялари, 6 та компьютер ва маънавият хонаси, фаоллар зали, 4700 дан зиёд китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази ўқувчиларнинг ўқиш

— Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиали, Қарши давлат университети ҳамда Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйганмиз, — дейди коллеж директори, иқтисод фанлари номзоди, доцент, ЎзХДП аъзоси Файрат Убайдуллаев. — Ёшларга электрон ускуналарнинг тузилиши ва ишлаш тамойилларини чуқур

мунтазам ўқитишга асосланган амалиётларда мустаҳкамлашди. «Delfi», «Visual», «Basik» дастурлаш тилларини ўргатиш учун четдан юқори малакали педагог-мутахассисларни ҳам жалб қилганмиз.

Тинимсиз саъй-ҳаракатлар, янгиликка интилувчанлик бугун ўз масарасини бермоқда. Хусусан, коллеж талабаси Махлиб Абдирахмонова «Келажак овози» Республика кўрик-танловининг «Тасвирий ва амалий санъат» йўналиши бўйича иштирок этиб, вилоят босқичи ғолиблигини кўлга киритган бўлса, Гатина Искра «Ахборот технологияларининг аёллар ҳаётидаги ўрни» мавзусидаги танловнинг «Энг яхши расм» йўналиши бўйича ахойиб иқтидор эгаси эканлигини исботлади. Талабаларнинг фан олимпиадалар ва турли хил танловлардаги иштироки ҳам чакки эмас. Бу эса мамлакатимиз миқёсида таълимга қаратилаётган эътибор самараларидир.



ва таълим олишларида яқиндан кўмак бераётир. Бу ерда таълим ўзбек ва рус тилларида олиб борилгани учун ҳам ўн бешга яқин турли миллат ва эллик вакиллари ўқишади.

ўргатишга ҳаракат қилаёмиз. Шунингдек, талабалар назарий билимларини компьютер ва коммуникацион технологияларни таъмирлаш, йиғиш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича

Абдугани МАМАСОДИҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Абдурауф ПАРДА
олган суратлар.

БУЮРТМАЧИЛАРИ СЕНИ ОШМОҚДА

Бухородаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Виктория-Нико» масъулиятли чекланган жамият Ғиждувон «Гоффа-картон» кичик корхонаси билан ҳамкорликда ихчам ва чиқими кам картон қутчалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Буюртмачилари кун сайин ошиб бораётган бу картон қутча-

ларнинг хорижда тайёрланганларидан фарқи йўқ.

— Илгари бу ерда ишлаб чиқариш Хитой технологияси асосида ташкил этилган учун хомашё ҳам дастлаб Хитойдан олинган. Ҳозир мамлакатимиз пойтахтидаги ҳамкорлар бухоролик турдошларига бу борада кўмакка келишди.

Қарийб 50 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган мазкур кичик корхона айни пайтда Навоий, Қашқадарё, Хоразм вилоятларидан тушган буюртмалар асосида картон қутчалар ишлаб чиқармоқда.

Даврон БАХРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Таҳлил, талқин, таққос

Ҳозир мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўладики, ижтимоий соҳа ёки таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш тизими бўладики — ҳамма жабҳада юксалиш, янгилаш бўйича улкан ишлар амалга оширилаётгани айни ҳақиқат. Уларнинг барчаси замирида «...биз учун инсон манфаати ва яна бир бор инсон манфаати энг асосий ва устувор масала бўлиб келмоқда».

Айниқса, аҳолининг бандлик даражасини ошириш ва шу асосда унинг даромадлари ҳамда турмуш фаровонлигини юксалтиришга катта аҳамият берилмоқда. Чунки бу масала — Юртбошимиз таъриф берганидек, «нафақат иқтисодий, керак бўлса, сиёсий аҳамиятга эга».

Шу нуқтан назардан, бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикасида бу борада қандай ишлар қилинмоқда?

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Абдусид Мамбетийидов билан бўлган суҳбатимиз шу ҳақда борди.

— 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, — сўз бошлади у, — республикамиз Бандликка кўмаклашиш марказларига 40 минг 151 нафар фуқаро иш қидириб мувожаат қилган. Улардан 36227 нафари (90,2 фоиз) ишга қўйилган.

Биласиз, меҳнатга лаёқатли кўпчилик кишилар ўзларича иш излаб юрсалар ҳам, бандлик хизматлари идораларига мурожаат қилишмайди. Шунинг учун биз шу йил бошида улар сонини яна бир бор аниқлаш учун, қайта рўйхат ўтказдик. Аниқ бўлдики, Дастур бўйича 2007 йилда 26116 янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган бўлса, ҳақиқатда 27084 та яратилиб, режа 103,7 фоиз

бажарилди. Шундан 12400 иш ўринлари хотин-қизлар учун яратилиб, белгиланган режа (10522 нафар) ижроси 117,8 фоизни ташкил этди. Яратилган янги иш ўринларининг 78,0 фоизи қишлоқ жойларига тўғри келди. Биргина касаначилик бўйича 4253 та иш ўринлари яратиш режалаштирилган эди. Илм якунида бу кўрсаткич 4469 та бўлиб чиқди. Шундан йирик саноат корхоналарида 1265 та, бошқа тармоқлардаги корхоналарда 1875 та ва кичик саноат корхоналарида 1329 та иш ўринлари яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларидан чорва молларини кўпайтиришни рағбатланти-

риш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорига асосан тасдиқланган Ҳаракат дастури бўйича Бандликка кўмаклашиш марказлари йил давомида 18000 фуқарога меҳнат дастурчалари очди. 7928 нафар фуқаро солиқ органларидан бадал тўловчи сифатида ҳисобдан ўтди. Шунингдек, «2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат

ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ — БАНДЛИК ТАЪМИНОТИ ОМИЛИ

бу — нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамият касб этувчи масала ҳам

дастурига мувофиқ Республика бўйича кам таъминланган оилаларнинг 4255 нафарига хомийлар ҳисобидан бепул қорамоллар берилди. Тижорат банклари орқали 1874 фуқарога қорамол сотиб олиш учун 1494,0 млн. сўм кредит маблағи ажратилди. Жумладан, иш билан таъминлашга кўмаклашувчи Давлат жамғармаси ҳисобидан 608 фуқарога 404,7 млн.

дан анча юқори. «Бандлик» жамғармаси ҳисобидан ушбу соҳани ривожлантиришга (170 янги иш ўринлари учун) 198,7 млн. сўм маблағ ажратилди.

Одамларни иш билан таъминлашда жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркалари, мониторинглар яхши самара бермоқда. Бундай тадбирларда айтиш жоиз, ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика

сининг ҳудудидан ва касб-хунар коллежларида ўтказилиш амалиёти киритилди, улар кутилгандек натижалар бермоқда.

— Жорий йилда амалга оширилаётган ишлар ва режалар ҳақида ҳам тўхталсангиз?

— 2008 йилда 26373 та янги иш ўринлари, шундан 10549 таси хотин-қизлар учун яратилиши кўзда тутилган.

раҳбарлик қилаётган «Оқ олтин» хиссдорлик жамиятида иш қўламини кенгайтириш ҳисоби 11 та, (тикувчи — 5 та, нонвой — 4 та, сартарошхона — 1 та, дурдодор — 1 та) янги иш ўринлари яратилди ва уларга 55,8 млн. сўм маблағ сарфланди.

Эллиқалфа туманидаги К.Давлат Пияра раҳбарлик қилаётган «Онивер» Ўзбекистон — Австрия қўшма корхо-

насида 110 та тикувчилик ва бичувчиликка ихтисослашган янги иш ўринлари вужудга келтирилди...

— Касаначилик бўйича-чи?

— Республика ишчи гуруҳи томонидан корхоналарда касаначилик иш ўринларини яратиш ва ривожлантириш бўйича имкониятлар ўрганиб чиқилди, тақлифлар олинди ва Дастур ишлаб чиқилди. Йирик саноат ҳамда бошқа тармоқлар корхоналарида 2008 йилда 3402 та касаначилик иш ўринларини яратиш (шундан 1360 таси аёллар учун) белгиланган. Жорий йилнинг уч ойлик якунида 821 та иш ўринлари барпо этилди. Нуқс шарҳида Азат Сейтмбетов раҳбарлик қилаётган «КК Дон маҳсулотлари» хиссдорлик жамиятида касаначиликни ривожлантириш ҳисоби 5 та ем сотувчи, 2 та этикетка тикиш, 2 та темирчилик ва пойабзал тузатиш янги иш ўринлари яратилиб, улар томонидан 200,0 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Бундай мисоллар кўп...

— Президентимиз Ёшлар йилида аҳоли бандлигини таъминлашнинг самарали янги шакллари ривожлантириш орқали хусусан ёш йигит-қизларга янги иш ўринлари кўпайтириш кераклигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар...

— Тўғри, биз ҳам бу борада асосий эътиборни ҳокимликлар билан бирга ҳарбий хизматни тугатиб қайтганларга ва айниқса, коллежларни битириб чиққан ёшларга қаратдик. Коллежларни тугат-

ган ва Қуролли Кучлар заҳирасига бўшатишган фуқароларни иш билан таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида мақсадли йўналиштирилган ишлар режасига эгамиз. Айни пайтда жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Бандликка кўмаклашиш марказларининг йирик қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги 76 та муқим пунктлари орқали ишсизларнинг аниқ ҳисоби юритилмоқда. Уларнинг иш топишига кўмаклашиш мақсадида ҳар бир туман (шаҳар) даражасида бўш иш ўринлари ва иш қидирувчилар ҳақида ахборот берувчи автоматлаштирилган «Меҳнат бозори» тизими яратилган. Шу йил январь ойдан бошлаб амалиётга ўтган этилган мазкур тизим ёрдамида жорий йилда 36,5 минг нафардан ортиқ иш изловчи фуқароларни ишга қўйишга кўмаклашиш чоралари белгиланган.

Мақсад — ҳар бир инсон ва бутун аҳоли фаровонлигини юксалтириш йўлида уларни доимий, барқарор иш билан таъминлаш, меҳнатлари самарадорлигини ошириб бориш, оладиган маошлари ҳамда даромадларини кўпайтириш ва ҳаётлари даражаларини кўтаришдир.

Суҳбатдошлар: Номоз САЎДУЛЛАЕВ, Рейимбой ЁШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

БМТ маъқуллади

БМТ Хавфсизлик Кенгаши пайшанба кuni бўлиб ўтган очик йиғилишида Кипрининг турк ва грек қисми ўртасидаги ўзаро келишувини маъқуллади, деб хабар беради РИА Новости. Ташкилот «томонлар бир-бирига бўлган ишончини мустаҳкамлаб мазкур вазиятдан оролни бирлаштириб, муаммони ҳал этишда фойдаланишига умид билдирди.

Эслатиб ўтамиз: яқинда шу оролда томонларни ажратиш туровчи Ледра кўчасининг ташкил этилиши турк ва грекларнинг музокара-ларни бошлашга қўйган биринчи қадами бўлди.



Ҳидли мулоқот

Япониянинг йирик телекоммуникация компанияси NTT Communications (NTT) 10-20 апрелгача мобил телефонлар учун янги «Уяли ҳидли мулоқот» хизмат турини синовдан ўтказди. РИА Новостининг хабарига кўра, бу хизмат туридан фойдаланувчилар мулоқот пайти махсус қўрилма ишлаб чиқарадиган ҳидни туйиши мумкин. Шунингдек, қўнғирқов қўлувчилар ҳам муайян код ёрдамида суҳбатдошига, ҳид-хабар юбора



олади. Ҳидлар ҳақидаги маълумот телефонга интернет орқали юклаб олинади. Қўрилмада бир қатор ёқимли ҳид турлари бўлиб, қод ёрдамида уларни турли нисбатда аралаштириб янги-янги ҳидларни яратиш мумкин.

НЕФТЬ ТАНҚИСЛИГИ ЯҚИН

Нефть нархи бир ҳафтанинг ўзида рекорд даражада олтирилди. 16 апрелдаги биржа сессияларида «қора олтин»нинг Light Sweet маркази фаворит нархи бир барелли 114,41 долларга етди. Нарх кўтарилиши билан бирга нефть танқислиги бошланиши ҳақидаги хавотирлар ҳам кучайиб борапти.

Икки кун ичида нефть нархи халқаро биржаларда 4 долларга қимматлашди. Бунга бир қатор омиллар таъсир қилган, албатта. Биринчидан, АҚШ валютасининг қадрсизланиши тезлашди: евронинг қиймати 1,6 долларга тенглашишига оз қолди. Иккинчидан, АҚШнинг ёмонлашиб бораётган макро-иқтисодий кўрсаткичлари инвесторлар дўқатини яна нефть ва қимматбаҳо қорозларга жалб қилди. Ва нҳоят Мексикадаги нефтни хорижга экспорт қилувчи деңиз портининг ёпилиши ҳам нарх кўтарилишига туртки бўлди.

Айни шу вақтда Африканинг йирик нефть ҳўмдори бўлган Нигерияда энергетика танглиги авж олмоқда. Нефтни қазиб олиш ва экспорт қилиш учун мамлакатта электр энергияси керак. Аввалги ҳўкумат баъзи шубҳали хориж тадбиркорлари билан электростанция қурилишига ажратилган маблағни талон-тороҳ қилгани сабаб мамлакатда электр қуввати танқислиги вужудга келган. Нигериядаги коррупциянинг аччиқ мевасини фақат мам-

лакатнинг ўзи эмас, бутун дўне ҳам тотиб турибди.

Нархнинг ошishiда нафақат инвесторларнинг талаби, балки глобал бажарёларнинг ҳам таъсири бор. Иқтисоднинг ривожланиши ўз-ўзидан нефтьга бўлган талабни ортишига олиб келади. 16 апрель кuni Хитойнинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичи 2008 йилнинг биринчи чораги учун каттик келган қишдаги инфляцияга қарамаддан 10,6 фоизга — таҳлилчилар тахмин қилганидан ҳам кўпроқ кўтарилди. Хитой иқтисоди бундай тезлик билан ривожланиётганига бир йил бўлгани йўқ. Аммо жаҳондаги нефть нархида ҳар бир қўшилган фойз катта таъсир кўрсатади. 2007 йилги таҳлил натижаларига кўра, Хитойнинг нефтни импорт қилиш миқдори 25 дан 49 фоизга ошган. Бу дегани нефтни экспорт қилувчи давлатларга катта буюртма тушди.

Нефтни экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти — ОПЕК нефтни қазиб чиқариш ҳажминини кўпайтиришга қарши чиқаргани ҳам «қора олтин» нархи кўтарилишига билвосита таъсир қилляпти. Нарх кўтарилишидан манфаат-

Хитойнинг 95 фоиз аҳолиси француз маҳсулотларини сотиб олмагани маълум қилди, деб хабар беради «Чайна дили». Бунга Парижда Олимпиада машъаласи эстафетасини тўхтатишга уринишгани сабаб бўлди. Netase.com интернет-портали ўтказган тадқиқот натижаларига кўра, ижтимоий сўровномада 43 мингдан ортиқ хитойлик иштирок этган. Улар Carrefour, Louis Vuitton ва The Body shop каби француз компаниялари дўконларига киришдан воз кечмоқчи. Carrefour дўкони эса зарар кўришдан хавфсизлаб бўлган воқеаларга алоқаси йўқлигини билдирган. «Компаниянинг махфий сиёсий ташкилотларни моддий қўллаб-қувватлаши ҳақидаги гаплар умуман асоссиз», — дейилади компания баёнотида.

Эслатиб ўтамиз: 7 апрель кuni Парижда Олимпиада эстафетаси жараёнида Тибет мустақиллиги тарафдорлари тадбирини тўхтатишга уринган. Норозилик билдирганлар хитойлик ноғирон қиз Цзинь Цзин қўлидан машъалани тортиб олмоқчи бўлишган.

Қум бўрони

Ироқ пойтахти Бағдодга кучли қум бўрони ёпирилди, деб хабар беради Ассошиэйтед Пресс. Каттик шамол саҳродан олиб келган қум туман каби шаҳар осмонини қоплаб олди. Шу муносабат билан Ироқ ҳўкумати ха-

лқаро аэропортни ёпиб қўйишга мажбур бўлган. Аҳоли нафас олиш йўлларида оид шикоят билан шифохонага мурожаат этипти. Қум бўронлари Ироқ учун мавсумий бўлиб, ҳар баҳор май ойигача давом этади.




рича, Россия ҳам Европа ва Мексика бошдан кечирган жараёнини ўтказмоқда: эртамин-кечми, ба-рибир нефть қазиб чиқариш қамая бошлади. Сабаб — Габрий Сибирнинг нефть заҳираси деярли тугай деб қолди. Шарқий Сибир ва Шимолий Муз океани шельфлари эса ҳали яхши ўрганилмаган. Эслатиб ўтамиз: Peak Oil (нефть қазиб чиқаришнинг энг юқори нуқтаси) назарияси америкалик геофизик Марлон Хабберт томонидан 50-йилларда ишлаб чиқилган. Уша вақтдаёқ оллим АҚШнинг 1970 йилга келиб нефть қазиб чиқариш ҳажми ўзини энг юқори кўчқисига етишини баёдор қилган. Унинг тахминига кўра, бутун дўне бу «қўққ»ни 1995 йилга келиб забт этиши керак эди. Аммо бундай бўлмади...

Ҳақиқатда эса бу назария ўзини оқламади. Чунки, нефть қазиб олишни кўпайтирмайдиган давлатлар кўпга ўхшайди. Хаттоки Бразилиянинг ҳажми бўйича дўнеда учинчи ўринда турадиган нефть заҳирасини топгани ҳақидаги маълумоти ҳам бошқа давлатларнинг нефтни ишлаб чиқаришни кўпайтиришига туртки бўлмайди. Негаки, мутахассислар фикрича, ўша «қўққ» аллақачон забт этилган ёки яқин йилларда бу ҳодиса юз бериши тайин.

Гулгун СУЛТОНОВА

Муборак қадамжолар



Мамлакатимизнинг энг жанубий сарҳадида, шундоққина қадим Жайхун — Амударё қирғоғида қад ростлаган бир гўша бор: Термиз. У собиқ Шўро тузуми даврида харобгина, ғарибгина бир шаҳарча эди. Бугун унинг қиёфаси, сурати ва сийрати буткул ўзгарди. Гўёки қадим Жайхун тубидан ногоҳ қирғоққа чиқиб қолган дуру гавҳардек беқиёс гўзалликка, жозибига эга бўлди. Бу бежиз эмас, албатта, истиқлол шарофати. Мустақилликнинг илк дамлариданоқ Термизга диққат-эътибор қаратилди. Шаҳарнинг нафақат ҳарбий нуқтаи назардан, балки ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан гоят муҳим, гоят қадрли маскан эканини бот-бот эътироф этди. Термизнинг ободончилиги, гуркираб ривожланиши худди шу хайрихоҳлик, ғамхўрлик замирида бошланди, десак асло муболага эмас.

Термиз, Юртбошимиз таъкидлаганидек, чиндан ҳам МАЪНАВИЯТ ШАҲРИ. У гоят кўҳна тарихга эга бўлиб, бағрида жуда кўп олиму фозилларни, улуг авлиёларни униб ўстирган.

Термиз тупроғидан етишиб чиққан бундай илму урфон эгалари юртимиз довруғини, шаъну шавкатини олам узра таратганлар. Имом Ҳаким ат-Термизий худди шундай алломулардан биридир. Ул зотни халқимиз гоят хурмату эҳтиром билан оддийгина қилиб «Термиз ота» деб атайдилар. «Термиз ота» зиёратгоҳи шаҳарнинг шундоққина биқинида жойлашган. Ҳозир бу ер, муболага эмас, жумлаи жаҳонга машҳур. Бутун дунёдан бу ерга сай-

ЖАНУБ ГАВҲАРИ

ёҳлар, зиёратчилар ташиф бў-юришади. «Термиз ота», яъни Имом Ҳаким ат-Термизий мақбараси собиқ Шўролар даврида қанчалар хароб аҳволда бўлганини балки бугунги ёш авлод билмас. Лекин биз — катта авлод ўз кўзимиз билан кўрганмиз. «Термиз ота» — қўрқинчли чакалакзор, тиканзор ичидаги ташландиқ бир қабр эди. Бу қабрда дунёга донг таратган бир бобокалонимиз ётганини деярли ҳеч бир

бараси, — дейди Сурхондарё вилояти диний ишлар бошқармаси бошлиғи Алиқабар Сайфиддинов, — мустақилликнинг илк йилларидаёқ Юртбошимизнинг аниқ кўрсатмаси, моддий ва маънавий кўмағига асосан буткул қайта қурилган эди. Шу сабаб Термиз фавқуллодда тез равишда дунё олимларининг, жамоатчилигининг диққат-эътиборига тушди. Бу ерга чет эллик сайёҳлар, илм ахллари ёғилиб кела бошлади. Тари-



юртдошимиз билмас эди. Билганлар эса жимгина, нафасларини ичига ютиб, дуоларини айтиб кетаверарди. Истиқлол туфайлигина биз улуг бобомизни танидик, Истиқлол туфайлигина хароб бир қабр, ҳашаматли, улкан ва муҳташам зиёратгоҳга айлантирилди.

— Имом ат-Термизий мақ-

химиз, маънавиятимизга хорижликларнинг қизиқиши кескин ортди. Шунинг учун Имом ат-Термизий зиёратгоҳини янада кенгайтириш, янада ободонлаштириш эҳтиёжи туғилди. Оқибатда, 2006 йили ҳукуматимиз ушбу хайрли ишга яна эътибор қаратди.

Зиёратгоҳи қайта таъмир-

лашга киририлиб, бугунга қадар бу ерда 1 миллиард 200 миллион сўмлик иш бажарилди. Жумладан, мақбара-мавзолей буткул қайта таъмирланди. Энг замонавий хизмат кўрсатиш даражасига эга бўлган ошхона, ювиниш хонаси ва бошқа маиший-маданий объектлар қўшимча равишда қурилди. Бундан ташқари, зиёратгоҳ теварағида катта боғ барпо этилди. Бу боққа 30 минг тубдан зиёд мева ва манзарали дарактлар, 12 мингдан ортиқ турли-туман гулчечак кўчатлари экилди. Шу ўринда, таъкидлаб ўтиш керакки, таъмирлаш ишлари баробарида бу ерда археологик қазилар, илмий изланишлар ҳам олиб борилди. Илму фанга анча аҳамиятли бўлган жуда кўп осори-атикалар топилди. Жумладан, Имом ат-Термизий мақбараси теварағида яна 35 қабр мавжудлиги аниқланди. Олимлар бу қабрлар улуг алломининг қариндош-уруғларига, маслакдошларига тегишли бўлса керак, деган хулосага келишди. Натижада, Имом ат-Термизий мақбараси теварағида 35 қабр рамзлари қурилди.

— Ушбу кенг қўламдаги қайта таъмирлаш ишларининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, — дейди Алиқабар Сайфиддинов, — бу чинакам халқ ҳаширига айланиб кетди. Саховатпеша тижоратчиларимиз, фермерларимиз баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатишди. Ҳар хил идора хизматчилари, талабалар гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб, усталага ёрдам беришди. Таъмирлаш ишларида ҳар куни 300-400 хашарчи астойдил меҳнат қилди.

Албатта, бундай эътироф, бундай таъкидлардан кўнгил қувонади. Чунки халқимизнинг бундай улкан бунёдкорлик, ободончилик ишларига хайрихоҳлиги, ёрдамга интилиши, ҳар бир савобли ишга баҳамжиҳат ёндашаётгани юртдошларимизнинг аҳулиги, жипслигини кўрсатади. Зеро, улуг авлиёларимиз, жумладан, Имом ат-Термизий сингари зотларнинг муборак руҳлари шод этилиб, зиёратгоҳлари обод бўлаётгани мамлакатимиз ахлини янада эзгу, хайрли ишларга ундайверади.

Сайдафо БОБОЕВ

ХОРАЗМДА АДАБИЁТ БАЙРАМИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар кўламини кенгайтириш, айниқса, ёшларни она Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида миллий гоҳ тарғиботи кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хоразм вилоятида Ёшлар йилига бағишлаб ташкил этилган адабиёт кўнлари ҳам айни мақсадга хизмат қилади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов бошчилигида бир гуруҳ ижодкорлар Урганч шаҳридаги Маънавият ва маърифат марказида адабиёт иқлосмандлари, воҳанинг ёш шоир ва ёзувчилари билан учрашди. Унда мустақиллик йилларида маънавий-маърифий соҳани ривожлантириш йўлида самарали ишлар олиб борилаётгани, ўзбек адабиёти бугун жаҳонга юз тутгани,

ёш ижодкорлар сафи тобора кенгайиб бораётгани таъкидланди. Тадбир мушоирага айланиб кетди.

Мамлакатимизда ёшларнинг юқори технологиялар асосида билим олиши, ҳунар эгаллаши, ўз қобилият ва истеъдодини намойиш этиши учун барча қўлайликлар яратилмоқда. Иқтидорли, изланувчан ёшлар қўллаб-қувватланаётди. Замонавий, жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган таълим муассасаларида ўқиб, камолга етаётган навқирон авлод вакиллари юрт равнақида дахлдорлик ҳисси билан улғаймоқда.

Тиббиёт коллежиди ўқувчилар билан ташкил этилган давра суҳбатиди шу хусусда сўз борди. Шоирлар — Эркин Самандар, Рустам Мусурмон, Матназар Абдулҳаким, Гавҳар Ибодуллоева ўз ижод намуналаридан ўқиб бердилар. Хонандлар ижросида ватанпарварлик, ёшлик тараннум этилган куй-қўшқлар янгради.

Худди шундай тадбир Хива педагогика коллежиди ҳам ўтказилди.

— Адабий тадбир ёшларда чуқур таассурот қолдирди, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими котиби Эркин Мадрохимов. — Тадбир доирасида ижодкорлар Хоразм Маъмур академияси олимлари, хусусан ёш тадқиқотчилар фаолияти билан яқиндан танишди.

Ш. ХУДОЙБЕРГАНОВ,
ЎЗА мухбири

Шеър ва шуур

АВВАЛО БОШИНГДА ВАТАНИНГ БЎЛСИН

Юртимиз қишлоқларини тоза тилаклар, бокира туйғулар қайнаб ётадиган бўлоқларга менгазғим келди. Чунки ер билан тиллашиб, унган ҳар ниҳоли билан гурунглашиб яшайдиган, эккан кўчатлари икки дона нишона кўрсатса, биттасини қўшиса, алинадиган дарёдил, оқибатли одамлар қишлоқларда кўп бўлади. Тонгда ҳовлиларга, кўча эшикларга сепилладиган сувлар гўё оламга сочилиши керак бўлган меҳру садоқатга, хайру саховатга

ўхшаб кўринади менга.

Ижодкор сифатида яна бир ҳол мени хайратга солади. Қишлоқда яшаб ижод қилаётганлар анчайин андишали, тортинчоқ бўлади. Ёзганини бировга кўз-кўз қилишдан ийманади. Агар йўлингиз тушиб, қай бир қишлоққа борар бўлсангиз, албатта, ўзининг камтарин ижоди билан сизни хайратга соладиган ёшлар ҳам, ёши бир жойга бориб қолганлар ҳам топилади. Бугунги кунда Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги адабий муҳитни алоҳида фохр би-

лан тилга олсак арзийди. Ана шу ижодий даврада «Паркент тонги» газетасида масъул котиб бўлиб ишлаётган укамиз Усмон Бекнинг ҳам ўзига хос ўрни бор, десам муболага бўлмайди. Энг қизиқ жиҳати, ундан шеърни сўраб оласиз. Мен унинг кечагина ўзим ўқиган гўзал шеърларини ортиқча таъриф тавсиф-сиз сизга илингим келди. Мени хайратга солган нурли туйғулар сизнинг қалбидида ҳам юз очилган ишонам.

Маҳмуд ТОИР,
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ШОИРИ

ҲАР ҚАРИЧ ТУПРОҒИНГ НОН КАБИ ҚУТЛУФ

Ватан — жон, бировга бериб бўлмайди,
Билсанг гар юракда шерик бўлмайди,
Паноҳдир боғлари, тоғлари сенга,
Ватансиз жангга ҳам кириб бўлмайди.

Сафдасан остингда саманинг бўласин,
Авалло бошингда Ватанинг бўласин.

Мусофир бўлмақдан асрасин Худо,
Жон элим, сен мени айлагил дуо.
Айвонимга келган қалдирғочинг ҳам,
Мен учун бахт қуши, мен учун Ҳумо.

Қуш бўлсанг сайровчи чаманинг бўласин,
Авалло бошингда Ватанинг бўласин.

Айт қани, ўзингдан бормикан улуг,
Ўзбегим мен сенга қиламан қуллук.
Аздобларим ҳоки ётган Момо Ер,
Ҳар қарич тупроғинг нон каби қутлук.

Кўнглимга кўрк берар масканинг бўласин,
Авалло бошингда Ватанинг бўласин.



ЁДЛАБ ТУРИНГ

Ҳурлик келди қон, жонларнинг эвзига,
Увол кетган Чўпонларнинг эвзига,
Ҳамд айтганда икки дунё эгасига,
Ушал жасур ўғлонларни ёдлаб туринг.

Пилдат билан бораётир бир навқирон,
Бир ўлкаси, номни унинг Ўзбекистон,
Ҳавас билан қарамоқда жумла жаҳон,
Юртининг юзи — қомронларни ёдлаб туринг.

Айвон бўлиб қалдирғочлар сайраганда,
Боболар қуш дуолардан айраганда,
Бутун эл-юрт тинчлигини ўйлаганда,
Тун-кун бедор посбонларни ёдлаб туринг.

Шу жафокаш юрт менга ҳам қалам берган,
Илҳомни фаёз ёниб ётган далам берган,
Сўз мулкида гоҳ қувонч, гоҳ алам терган,
Зотлар каби Усмонларни ёдлаб туринг.

Усмон БЕК

«ЛАЗЗАТ» — ТУРНИР ФОЛИБИ

«Ёшлар йили» Давлат дастурига мувофиқ Нукус туманида хотин-қизлар ўртасида волейбол бўйича очиқ турнир ўтказилди.

Туман хотин қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган мусобақадан қўзлан-

ган мақсад, ёшлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, айниқса, аёлларни спортга кенг жалб этишдан иборат.

Беллашувда еттига овул фуқаролар йиғини жамоалари ўзаро куч сынашди. Майдонда мurosасиз кураш олиб борган

«Тақирқул» овули фуқаролар йиғинининг «Лаззат» жамоаси фолибликни қўлга киритди. Кейинги ўринлар «Саманбой» ҳамда «Арбаш» овуллари вакилларига насиб этди.

А.Ортиқбоев,
ЎЗА мухбири

ҲОМИЙЛАР ИММАТИ

Ўтган йили норинлик тадбиркорларнинг ҳиммати билан тумандаги 44 та мактабга 50 та компьютер совға қилинган. Бу йил ҳам савобталаб қорхона ва ташкилотлар жамоалари мактаб кутубхоналарининг лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосидаги адабиёт ва дарсликларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, жами 110 миллион сўмликдан зиёд 148 нусxadaги етти мингта китоб совға қилди.

— Туманимизда ҳомийлик маблағларининг асосий қисми таълимга йўналтирилаётгани биз, педагогларни гоят руҳлантирмоқда, — дейди 31-умумтаълим мактаби директори, ЎзДХП фаоли Кўпайсин-

хон Тошбоева. — Ҳомийлар муруввати ҳисобига кутубхонамизда китоб захираси олти мингтага етди.

Марғизор қишлоғидаги 34-мактабга ҳомийлар 2,5 мингта китоб олиб бериш билан бирга кутубхонанинг жиҳозларини ҳам янгилаб беришди. Тўрт йил аввал капитал таъмирдан чиқарилган мактабнинг эски йўлдош биноси ўрнида икки қаватли замонавий бино қад ростламоқда. Ҳомийларнинг 85 миллион сўмлик маблағи эвзига мактабда жорий таъмирлаш ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

Божхона бекати

ЭГРИ ИШ ФАҚАТ ТАШВИШ КЕЛТИРАДИ

Давлат божхона кўмитаси ходимлари томонидан тилла ва заргарлик буюмларининг юртимиз сарҳадлари орқали ноқонуний олиб ўтилишининг олдини олиш борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида жами 71 та ҳолатда 17 килограммга яқин заргарлик буюмлари контрабандасига чек қўйилди.

Яқинда Тошкент вилоятидаги «Гишткўприк» божхона комплекси ходимлари фуқаро Р.Мўми-

новани божхона назоратидан ўтказишганда, у божхона баённомасида кўрсатилмаган қиймати 15 миллион сўмдан ортиқни ташкил этувчи 400 граммдан зиёд заргарлик буюмларини божхона баённомасида кўрсатмасдан, яширинча республикамизга олиб қирмоқчи бўлганлиги аниқланди.

Шу каби ҳолат Қорқалпоғистон Республикаси божхоначилари томонидан ҳам аниқланди. «Қарақалпақия» темир йўл станциясида Россия Федераци-

ясида келган йўловчиларнинг юкларини божхона назоратидан ўтказиш жараёнида сурхондарёлик М.Эгамуродованинг хатти-ҳаракатлари божхоначиларда шубҳа уйғотди. Шундан сўнг божхона кўригидан ўтказилганда бу аёл божхона баённомасида кўрсатилмаган, қиймати 11 миллион сўмдан ортиқни ташкил этувчи 350 граммдан зиёд заргарлик буюмларини пайпоқлари ичига аширган ҳолда республикамизга олиб киришга уринганлиги ошкор бўлди.

«Москва — Самарқанд» йўналиши бўйича юртимизга учиб келган қашқадарёлик Д.Абдураҳмонованинг ноқонуний хатти-ҳаракатларига Самарқанд вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан чек қўйилди. Гап шундаки, қонунбузар бу аёл қўл юлғари орасига оғирлиги 240 граммдан ортиқ, қиймати қарийб 9 миллион сўмлик қийматбоғ тақинчоқлари бекитган ҳолда республикамизга олиб қирмоқчи бўлган экан.

Тошкент халқаро аэропорти божхоначилари ҳам шунга ўхшаб қонунбузарлик ҳолатини фох этишди. Туркиядан учиб келган фуқаро М.Умарходжаев божхона баённомасини тўлдирар экан, ёнида ҳеч нима йўқлигини маълум қилган эди. Аммо уни божхона кўригидан ўтказиш чоғида у ўзи билан вазни 446 граммни ташкил этувчи, қиймати 10 миллион сўмдан ортиқ заргарлик буюмларини юртимизга ноқонуний равишда олиб қирмоқчи бўлганлиги аниқланди.

Ҳозирда юқоридаги ҳолатлар юзасидан суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Давлат божхона кўмитаси
Матбуот хизмати

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turbobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Mushliiddin MUHIDDINOV
Nomoza SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti
233-10-13

Madaniyat va sport
233-69-45,
(Tel. faks) 233-21-43

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
233-20-36,
233-44-55

Jamoaatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
233-12-56

Mas'ul kotib
233-72-83,
236-55-17

Reklama va e'lonlar
233-38-55,
233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —
25-32-70

Buxoroda —
222-10-92

Gulistonda —
25-22-32

Jizzaxda —
5-49-85

Navoiyda —
223-83-73

Namanganda —
6-43-43

Nukusda —
222-70-15

Samarqandda —
35-20-54

Urganchda —
226-51-35

Farg'onada —
26-43-62

Denovda —
8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat ta'hiriyot ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 349
12869 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari

O'za yakuni — 21.05
Topshirilgan vaqti — 23.50
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda